

Сух тумани: “Коронавирусни аҳиллик билан енгамиз!”



Сух тумани: “Коронавирусни аҳиллик билан енгамиз!”

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фарғона вилояти Сух тумани Халқ қабулхонаси мудир иккинчи ҳудудий сектор раҳбари билан ҳамкорликда комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш режаси бўйича иккинчи сектор ҳудудида тизимли ишларни амалга оширишмоқда. Ҳамкорликдаги қилинган барча тадбирлар албатта, халқимиз манфаатини кўзлаб амалга оширилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Халқимиз бошидан айна синовли кунларни ўтказаяётган бир пайтда Халқ қабулхонаси ва сектор раҳбари ташаббуси билан хайрия акциялари ўтказилмоқда. Жумладан, куни кеча хайрия сифатида 2 бош қўй сўйилиб, 100 қоп ун ва 2000 дона ҳимоя ниқоблари, шунингдек, ўсимлик ёғи маҳсулотлари аҳолига бепул тарқатилди. Шу билан бирга сектор қошида ташкил этилган тикувчилик цехида тайёрланган ҳимоя ниқоблари фуқароларга бепул тарқатилди. Халқ қабулхонаси ва сектор томонидан 6 кишидан иборат маҳалла нуронийларига дастурхон уюштирилди. Кекса нуроний отахонлар бундай хайрли амаллар ташкилотчилар шаънига дуолар қилишди. Ҳудуддаги кам таъминланган оилалар аъзоларига озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Амалга оширилган хайрли амаллар маҳаллалар аҳли томонидан кўтаринки рўҳда қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган ушбу ғамхўрликларга миннатдорчилик билдирилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси туман бўлими мудир М. Ботировнинг сўзларига кўра, бу каби хайрия акциялари туман узра давом эттирилади.



“Бугунги кундаги асосий масала халқимиз билан биртану биржон бўлиб, уларга ҳар қачонгидан-да кўпроқ далда ва ҳимоя манбаи бўлишимиздан иборат. Маҳаллаларда карантин қоидаларига риоя қилиш, ўйдан чиқмаслик, зарурат бўлганда, тиббий ниқоб тақиб, ташқарига чиқиш қоидаларини халқимизга тарғибот-ташвиқот ишлари орқали етказаябмиз. Шунингдек, коронавирусга қарши курашиш воситалари – хонадон ва кўчалар, ташкилот-муассасалар биноларини дезинфекция қилиш ишлари ҳам сектор ҳудудида жадаллик билан олиб борилмоқда. Сектор ҳудудидаги маҳаллаларга бирма-бир кириб чиқдик. Ҳар бир хонадон, ҳар бир оила аъзоларига вазъият бўйича тушунтиришлар берилди. Шунингдек, коронавирусга доир чоп этилган эслатмалар ҳам аҳоли ўртасида тарқатилди” – дейди Сух туман прокурори, иккинчи сектор раҳбари Ф. Абдувалиев. Дарҳақиқат, бугун Сух туманида коронавирусга қарши курашда барча бирдек масъулиятни ҳис қилган ҳолда ҳаракат қилаётир. Раҳбарлар зиммасидаги масъулият айти мана шу кунларда икки карра ошиши ҳам улар томонидан амалга оширилаётган ишлардан кўриниб турибди.



Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, иккинчи сектор ҳудудида хайрия акцияларини ўтказиш анъанага айланиб қолган. Бугун саховатпеша инсонлар ўз ёрдами ва моддий кўмаklarини ижтимоий ҳимояга мўхтож аҳоли қатламидан дариғ тутишмаяпти. Ҳазрати Али маҳалла фуқаролар йиғини раиси Субҳонали Нишоннинг сўзларига кўра, маҳаллада яшайдиган саховатпеша ёшлар ташаббуси билан шу кунга қадар жуда кўп хайрия акциялари ўтказилди. Валижон Тўйчиев маҳалланинг тадбиркорларидан. Тадбиркор ташаббуси билан иккинчи сектор ҳудудидаги маҳаллалар ва Чашма маҳалласи аҳолисига 110 қоп ун маҳсулоти бепул тарқатилди. Шунингдек, маҳалла ободончилигига ҳам Валижоннинг ҳиссаси катта. Ҳазрати Али кўчасидаги мавжуд симёғочларга тадбиркор кўмаги асосида замонавий тунги ёритгичлар ўрнатилиши ҳам аҳолининг қувончига қувонч қўшди десак, муболаға эмас.





Кувонарлиси, маҳаллада кундан-кунга саховатпеша инсонларнинг сафи кенгайиб бораёпти. Хуршеджон Ҳисомов ҳам Ҳазрати Али маҳалласида умргузаронлик қилади. Маҳалла раисининг маълумотига кўра, маҳалланинг Зармиён массивида яшовчи аҳоли бир неча йилдан буён ичимлик суви танқислигидан азият чекишарди. Саховатманд тадбиркор кўмагида Зармиёнга оби ҳаёт қувурлари тортилди. Ўз ҳисобидан қирқ миллион сўм маблағ сарфлаган ва Зармиёнга имчимлик суви тортиб келган тадбиркорнинг номига бугун дуолар қилинмоқда. Бундай хайрли амаллардан маҳалла аҳли ва туман аҳли жуда миннатдор.

Тўрт томони пурвиқор тоғлар, қолаверса, Қирғизистон Республикаси билан ўралган Сух туманида бугун ҳаёт бир маромда давом этмоқда. Ҳаёт давом этар экан, тирикчиликка бўлган интилиш, тараққиёт ва Ватан ривожига бўлган саъй-ҳаракат асло сўнмайди.

Сух тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2020-03-30 15:45:02